

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

311 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июлдаги ПФ–4332-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 22 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2246

(2011 йил 1 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июлдаги ПФ–4332-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июлдаги ПФ–4332-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 19 ноябрдаги 100-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ–4253-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2158, 2010 йил 20 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 47-сон, 441-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 19 июль,
42-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2011 йил 19 июлдаги
42-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил
7 июлдаги ПФ-4332-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар,
стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини
ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни
қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июлдаги ПФ-4332-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига асосан пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. Юқорида кўрсатиб ўтилган Фармонга мувофиқ 2011 йилнинг 1 августидан қуйидагиларнинг энг кам миқдорлари белгиланади:

энг кам иш ҳақи — ойига 57 200 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 111 875 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 111 875 сўм;

пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 68645 сўм.

2. 2011 йил 1 августгача тайинланган ва 2011 йил 1 августдан кейин янги тайинладиган пенсиялар ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақини тенглаштириш учун ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ йиллар ва ойлар бўйича дифференцияланган янги тузатувчи коэффициентлар ўрнатилади.

3. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ($57\,200\text{ сўм} \times 8 = 457\,600\text{ сўм}$) ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инобатга олинади.

4. Янги тузатувчи коэффициентлар қўлланилган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баравари ва ундан юқори миқдорида бўлган ҳолларда, пенсияларни қайта ҳисоблашни амалга оширишда иш ҳақи миқдори энг кам иш ҳақининг саккиз ҳиссаси 457 600 сўм ($57\,200\text{ сўм} \times 8$) билан чегараланиб, иш стажининг давомийлигига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фойзаларга кўпайтирилади.

5. Ёшга доир ёки I ва II гуруҳ ногиронлик бўйича пенсионерлар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда) Қонуннинг 7 ва 17-моддаларига мувофиқ пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган тақдирда, қайта ҳисоблашдаги пенсия миқдори мавжуд стажга мутаносиб равишда белгиланади.

6. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан (57 200 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

7. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири*

А. ХАИТОВ

2011 йил 19 июль

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2011 йил 7 июлдаги
ПФ-4332-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар,
стипендиялар ва ижтимоий нафақалар
миқдорини ошириш тўғрисида»ги
Фармони бўйича пенсияларни қайта
ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**2011 йил 1 августдан пенсияларни қайта ҳисоблашда
ўртача ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун
қўлланиладиган тузатувчи
КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

Даврлар	Коэффициентлар	Даврлар	Коэффициентлар
1971 йилга қадар	2130,375	1994 йил 1 сентябрдан	745,9245
1971 йил	2076,21	1994 йил 1 ноябрдан	578,7605
1972 йил	2024,46	1995 йил 1 январдан	578,7605
1973 йил	1959,8185	1995 йил 1 мартдан	292,859
1974 йил	1828,27	1995 йил 1 сентябрдан	225,446
1975 йил	1788,135	1996 йил 1 январдан	225,446
1976 йил	1749,84	1996 йил 1 апрелдан	167,6447
1977 йил	1701,195	1996 йил 1 сентябрдан	116,93085
1978 йил	1644,04	1997 йил 1 январдан	116,93085
1979 йил	1611,725	1997 йил 1 июлдан	81,3579
1980 йил	1570,325	1998 йил 1 январдан	81,3579
1981 йил	1540,7585	1998 йил 1 июлдан	59,1261
1982 йил	1540,6435	1999 йил 1 январдан	48,42995
1983 йил	1512,25	1999 йил 1 августдан	37,73495
1984 йил	1512,02	2000 йил 1 августдан	24,6238
1985 йил	1493,735	2001 йил 1 августдан	17,5812
1986 йил	1475,864	2002 йил 1 апрелдан	15,29845
1987 йил	1440,835	2002 йил 1 августдан	13,27905
1988 йил	1346,075	2003 йил 1 майдан	11,08025
1989 йил	1262,677	2004 йил 1 августдан	8,52035
1990 йил	1139,5005	2005 йил 1 майдан	7,09033
1991 йил	786,186	2005 йил 1 октябрдан	5,91261
1992 йил 1 январдан	232,415	2006 йил 1 июлдан	4,92718
1992 йил 1 июлдан	108,6405	2006 йил 1 ноябрдан	4,1101

Даврлар	Кoeffициентлар	Даврлар	Кoeffициентлар
1992 йил 1 октябрдан	52,15595	2007 йил 1 августдан	3,28072
1993 йил 1 январдан	38,4905	2007 йил 1 ноябрдан	2,98034
1993 йил 1 апрелдан	27,5195	2007 йил 1 декабрдан	2,73999
1993 йил 1 июндан	11,77715	2008 йил 1 апрелдан	2,42765
1993 йил 1 июлдан	7,45085	2008 йил 1 сентябрдан	2,01894
1993 йил 1 сентябрдан	5,64823	2008 йил 1 ноябрдан	1,9228
1993 йил 1 ноябрдан	3,48508	2008 йил 1 декабрдан	1,8147
1994 йил 1 январдан	2,6197	2009 йил 1 августдан	1,45406
1994 йил 1 мартдан	1,57424	2009 йил 1 декабрдан	1,37
1994 йил 1 июндан	1,05398	2010 йил 1 августдан	1,20175
1994 йил 1 июлдан	1046,7185	2010 йил 1 декабрдан	1,15
1994 йил 1 августдан	858,015	2011 йил 1 августдан	1,0